



**“07” апрел 2025 йил**  
**82/01-23-15-120-сонли**

**“YANGI AVLOD MAXSUS SANOAT ZONASI  
BOSHQARUVCHI KOMPANIYASI” МЧЖ**  
**бош директори в.б. Ф.Ф.Абдусоломовга**

### **ТЕХНИК ШАРТ**

“Чирчиқ–Оҳангарон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси хузуридаги Мелиоратив экспедицияси Сизнинг 04.04.2025 йилдаги 01/60-сонли мурожаатингизга асосан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.03.2025 йилдаги **ПҚ-138-сонли** қарори билан ташкил этилган **“Янги авлод”** махсус саноат зонасининг 664,5 га. ер майдони худудидаги мавжуд коллекторларни **“Янги авлод”** махсус саноат зонасининг қурилиш бош режасига асосан ер фонди тоифаси ўзгартирилганлиги сабабли ёпиш ҳамда қурилиши режалаштирилган автомобил йўллари бўйлаб (параллель) ёнма-ён равишда транзит (сувларни олиб чиқиб кетувчи) вазифасини бажарувчи доимий ишловчи коллекторларни қўчириш ва очик коллектор қўринишида қолдириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11-декабрдаги **981-сонли** қарори билан қирғоқ бўйи минтақалари тасдиқланган ва улардан фойдаланиш белгилаб берилган.

Ушбу қарорга мувофиқ коллектор **соҳил бўйи минтақасига** кирувчи ер майдонларидан таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция ишларини олиб боришда ҳамда, **фавқулотда вазиятларда** механизмлар ишлаши учун фойдаланилади. Шу сабабли, ушбу минтақа доимо очик ҳолатда бўлиши талаб этилади.

Белгиланган соҳил бўйи минтақасига бетонлаштириш йўли билан пойдевор қурган ҳолда **капитал қурилиш ишларини олиб бориш**, коллектор ўзани яқинига кўп йиллик дарахтзорлар барпо этиш, коллекторга ҳар хил чиқиндиларни ташлаш ҳамда, канализация тозалаш иншоотларини ва оқова сувларни турли хил тўплагичларини жойлаштириш **тақиқланади.**

-Коллекторни қўчириш ишлари **лойиҳаларини лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланишини таъминлаш** ва Мелиоратив экспедицияси ҳамда, Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ худудларни ободонлаштириш бошқармаси билан келишиш;

-Коллектор ўзанига оқимга қаршилик қилувчи омилларни ўрнатмаслик талаб этилади;

-Қувурли ўтиш жойларининг кириш қисмларига чиқиндиларни ушлаб қолувчи темир панжаралар ўрнатиш;

-Коллекторнинг техник ҳолатига ва лойиҳа параметрларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда, коллектор ишчи параметрларига салбий таъсир этувчи ишларни олиб бориш тақиқланади;

қуриш ишлари Мелиоратив экспедиция туман бўлими мутахассислари иштирокида амалга оширилиши шарт;

-Коллектор ўзани туби ва нормал сув сарфи чизиқларидан пастки қисмини бетон қоплама билан қоплаш тақиқланади;

-“РК-5 туширғи-1” ички коллекторини 1,450 км. ва “Лойиҳа 2” ички коллектори 0,350 км. узунликдаги қисмини қурилиш бош режасига мувофиқ ёпишга ҳамда қурилиш бош режасига асосан коллекторларни қўчириш лойиҳаси ишлаб чиқилгунга қадар корхонага ажратилган ер майдонини айлантириб ўтказиш йўли билан коллекторни ишчи параметрини сақланишини таъминлаб, ишчи коллекторга қайта улаш ишларини масбул шахс бириктирган ҳолда бажаришингизга эътироз билдирмайди.

-Мелиоратив экспедицияси юқоридаги ишларни белгиланган талаблар асосида ўз ҳисобингиздан амалга оширишингиз талаб этилади;

Бундан ташқари коллектор ҳимоя минтақасида кабеллар, трубапроводлар ва бошқа канализациялар ётқизиш, бурғулаш ва бошқа ишларни бажариш табиат муҳофазаси ва санитария назорати давлат органлари, шунингдек, Мелиоратив экспедицияси билан келишилган ҳолда, фақат туман бошқарув органларининг руҳсати бўйича амалга оширилиши керак.

Техник шарт 1 (бир) йил муддатга амал қилади ва юқорида кўрсатилган ишлар амалга оширилмаса техник шарт ўз кучини йўқотади.

**Мелиоратив экспедиция бошлиғи:**

**М.Эшонов**